

Хазинага айланаётган сахифалар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нафақат мамлакатимиз, балки минтақамиздаги энг иирик маънавият масканларидан бири саналади. Мазкур зиё масканида бугунги кунда етти миллион нусхага яқин китоблар мавжуд.

МАЪНАВИЯТ

Президентимизнинг 2012 йил 20 марта "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги карорига асосан, ушбу маскан замонавий, маҳобатли ва кўркам бинога эга бўлди. Ноёб архитектурани ўзида мужассамлаштирган мазкур муazzзам иншоотда халқимизнинг маънавий мулкни асрар-авайлаш, уни келажак авлодга бус-бутун етказиш учун барча курайлик яратилган. Хусусан, кутубхона фондидаги XV — XIX асрларда чоп этилган нашрларнинг 250 мингдан ортиқ нусхалари авайлаб сакланмоқда.

Аждодларимиз яратиб кетган улуф ва кўламли маънавий меросдан юртошларимизни, хусусан, ёшларимизни янада тўликрок баҳраманд этиш мақсадида қадимги кўлёзма ва камёб китобларнинг электрон муқобили яратиди.

Маълумки, юртимизда эски кўлёзмалар, нодир китоб ва бошқа осориатиқаларни ўз бағ-

рида сақлаётган давлат кутубхоналари, музейлар ва архив муассасалари талайгина. Миллий кутубхона улар билан ҳамкорликда турли даврларга оид китобларнинг электрон каталогини тузиш, нашрларнинг тўлиқ матнли электрон маълумотлар хазинасини яратиш устида ҳам амалий сайды-харакатлар олиб бораяпти.

Энг муҳими, кутубхонада китобхонларга замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш учун барча имконият яратилган. Етти юз ўринидаги 11 ўкув зали илгор технологиялар асосида жиҳозланган бўлиб, Wi-Fi тизимига эга. Хозиргача кутубхонага 87000 нафардан зиёд фойдаланувчилар аъзо бўлган.

"Ўзбекистон", "Адолат", "Истикбол", "Жаҳон" ўкув залларида ўкувчилар китоб жавонлари оралаб, ўзига зарур китоблардан фойдаланиши, шунингдек, янги олинган адабиётлар билан яқиндан танишиши мумкин. Китобларга ўрнатилган маҳсус чиплар хавфсизликни таъминлаш билан бирга, уни тезда топиш



ва зифасини ҳам бажаради. "Илм" ўкув залида истиклол йилларида ҳимоя қилинган 13 мингдан зиёд номзодлик ва докторлик диссертацияларининг тўлиқ электрон шакли сақланади. Шунингдек, барча ўкув залида Президентимиз асарлари, турли энциклопедиялар, сиёсий, илмий-оммабоп, бадиий асарларнинг электрон нусхалари билан танишиш имконияти бор.

"Жаҳон" деб номланувчи хорижий адабиётлар ўкув залида эса инглиз ва бошқа чет тилларини мукаммал ўрганиш учун куплаб адабиётлар мавжуд. Масалан, бу ерда TOEFL, IELTS, GRE, GMAT, SAT, LSAT, MCAT, ACT ва бошқалардан очиқ фойдалансанча бўлади. Шу билан бирга,

Proquest, Ebsco Publishing, Jstor, Aluka, Elibrary, PressDisplay каби хорижий илмий-таълимий электрон базалардаги тўлиқ матнли китоб ҳамда даврий матбуот нашрлари билан танишиш мумкин.

Зиё масканимизда ҳафтанинг ҳар чоршанба куни "Маънавият куни" деб ўзлон қилинган. Унда, асосан, юртимизнинг илм-фан, санъат ҳамда адабиёт намояндалари иштирок этиб, китобхонлик ва унинг аҳамияти тўғрисида сұбкатлар ўтказишиади.

Айтиш жоизки, ахборот-кутубхона фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш, янги хизмат шаклларини жорий қилиш, фойдаланувчиларга масофадан хизмат кўрсатиш ва ягона йигма электрон каталог ёрдамида барча ах-

борот-кутубхона муассасаси фондлари орқали хизмат кўрсатишни татбиқ этиш мақсадида турли ташкилотлар билан ҳамкорликда; қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Польша миллий кутубхонаси, Козогистон миллий академик кутубхонаси, Миср Араб Республикасининг Искандария кутубхонаси, Озарбайжон миллий кутубхонаси, Латвия миллий кутубхонаси, Туркманистон миллий маданият марказининг Миллий кутубхонаси билан олиб борилаётган алоқалар мухим аҳамияткес болди.

Утган йил давомида фойдаланувчиларга куплаб қурайликлар яратиш мақсадида еттига техники лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, "ISBN, ISSN ва УЎК, КБК" рақамларини бериш" интерактив онлайн хизмати, "Нодир нашр ва кўлёзмалар маълумот базасини яратиш, саклаш ва аниқ тақдим килиш жараёнини автоматлаштириш", "Миллий кутубхонанинг Ягона базаси асосида китоб ва журналларнинг статистик хисоботини автоматлаштириш", "Диссертация ва илмий ишларнинг ягона базаси", "Шахсий кабинет", "Имиж каталог" каби дастурлар фаолияти миз самарадорлигини ошираяпти.

Албатта, режаларимиз кўп. Буларнинг барчаси илмга чанқоқ, ўсоҳасининг етук мутахассис бўлиб етишадиган йигит-қизларимизнинг билим ва салоҳиятин янада оширишга хизмат қиласади. Зоро, буюк келажак ҳар томонларда ма кенг фикрловчи, дунё илм фанининг чуқур билимдонларни бўлган ёшлар кўлидадир.

Умид ТЕШАБОЕВА
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
директори ўринбосса